

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 601-ҳадис

601 – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَدَ تَمْرَةً فِي الطَّرِيقِ، فَقَالَ: «أُولَئِكَ أَنِّي أَخَافُ أَنْ تَكُونَ مِنَ الصَّدَقَةِ لِأَكْلَتِهَا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 243، م 1071].

601. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам йўлда (кета-туриб) бир хурмо топиб олдилар. Ва: «**Агар садақа бўлишдан кўрқмаганимда, уни еган бўлар эдим**», дедилар.

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларига ҳам садақани ҳаром қилгандир. Садақани емасликлари у зотнинг пайғамбарликлари белгиларидандир.

Салмон Форсий розияллоху анху аҳли китобнинг билимдонларига шогирд тушганида улар «охирги замон пайғамбарининг белгиларидан бири садақани емаслиги», деб айтган эдилар. Ўша пайғамбарни излаб Мадинаи мунавварага келиб қолган ва бировнинг боғида қаровул бўлиб юрган Салмон Форсий Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг келганларини эшитиб, саватда хурмо олиб боради. У зот: «Бу хурмо ҳадями, садақами?» деб сўрайдилар. «ҳадя», деган жавобдан сўнг ундан ейдилар. Иккинчи мартада «садақа», дейилганида, «Ундоқ бўлса, бизга тўғри келмайди», деб қўлларини тортадилар. Ана шунда Салмон Форсий у зотнинг ҳақиқий Пайғамбар эканларига ишонадилар.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



